

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.04/30.12.2019.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

АҲМАДОВА ГУЛРАЪНО АЗИМ ҚИЗИ

МАҲАЛЛИЙ ДУМЛИ АМАРАНТ УРУҒИ ВА УНДАН ОЛИНГАН
МОЙНИ СТАНДАРТЛАШ

15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of doctor philosophy dissertation (PhD)

Ахмадова Гулраъно Азим қизи

Маҳаллий думли амарант уруғи ва ундан олинган мойни стандартлаш..... 3

Ахмадова Гулраъно Азим қизи

Стандартизация семян местного амаранта хвостатого и его масла..... 21

Akhmadova Gulrano Azim kizi

Standardization of seeds of local amaranth tailed and the oil obtained from it..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.04/30.12.2019.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

АҲМАДОВА ГУЛРАЪНО АЗИМ ҚИЗИ

МАҲАЛЛИЙ ДУМЛИ АМАРАНТ УРУҒИ ВА УНДАН ОЛИНГАН
МОЙНИ СТАНДАРТЛАШ

15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Fag67 рақам билан руйхатга олинган.

Диссертацияси Тошкент фармацевтика институтида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (узбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Азизов Исмагжон Катимович
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Урманова Флира Фаридовна
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Ниятбаев Сабир Заринбаевич
кимё фанлари доктори, етакчи илмий ходим

Етакчи ташкилот:

А.С.Султонов номидаги Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий тадқиқот институти

Диссертация химияси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc 04/30 12.2019 Fag 32.01 рақамли илмий кенгашнинг 2023 йил «08» 02 соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100015, Тошкент ш. Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел: (+99871) 256-37-38. факс (+99871) 256-45-04, e-mail info@pharmi.uz)

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (42 рақамли билан руйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент ш. Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел: (+99871) 256-37-38

Диссертация автореферати 2023 йил «23» январь куни тарқатилди.
(2023 йил «23» январь дини 42 рақамли реестр баённомаси)



К.С. Раисов

Илмий раҳбарлар берувчи илмий кенгаш
раиси, ф.д.

Ў.С. Қариёва

Илмий раҳбарлар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, фарм.ф.д., профессор

Ф.Ф. Урманова

Илмий раҳбарлар берувчи илмий кенгаш
комиссияси раиси, фарм.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар йили 100 млн.дан ортиқ инсонлар турли жароҳатлар, куйишлар туфайли терининг шикастланишларидан жабр чекадилар. Шу муносабат билан регенератив хусусиятга эга дори воситалар ассортиментини кенгайтириш, уларни таҳлил қилишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш, фармакотерапевтик изланишлар натижаларига асосан самарадорлигини исботлаш борасидаги тадқиқотларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда жаҳон халқ табобатида кенг қўлланилиб келаётган доривор ўсимликларнинг замонавий тиббиёт амалиётига тадбиқ этиш борасида уларнинг фитокимёвий, фармакогностик таҳлил қилиш, фармакологик хусусиятларини исботлаш бўйича илмий тадқиқотларга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада тўғ билан яраланган ва II-III даражада куйган терига регенератив таъсир кўрсата оладиган маҳаллий доривор ўсимликлар хомашёсини ўрганиш, сифатини назорат қилиш, улар асосида дори воситаларни яратиш ҳамда тиббиёт амалиётида қўллаш учун меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада фармацевтика соҳасида олиб борилаётган ислохотлар доирасида маҳаллий доривор ўсимликлар таркибини ўрганиш, уларни замонавий физик-кимёвий усуллар ёрдамида стандартлаш, мой ва мойли экстрактларни олиш ҳамда улар асосида дори препаратларни ишлаб чиқиш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг иккинчи иловаси, 85-бандида «Фармацевтика саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баробар кўпайтириш ва маҳаллий бозорни таъминлаш даражасини 80% га етказиш...»¹ каби долзарб вазифалар белгиланган. Бу борада Ўзбекистонда ўсадиган доривор ўсимликларни маданийлаштириш ва етиштириш мақсадида плантацияларни ташкил этиш, маҳаллий корхоналар томонидан ўсимлик хомашёси асосидаги препаратлар ассортиментини кенгайтириш, дори воситаларни сифатини таъминлаш учун таҳлилнинг ишончли ва замонавий усулларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги ПФ-55-сон «2022-2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони, 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4554-сон «Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-

¹ «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони

4670-сон «Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур илмий тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада Амарант ўсимлигидан мой ажратиб олиш ва унинг кимёвий таркибини ўрганиш бўйича илмий изланишларни маҳаллий олимлардан Х.Х.Холматов, Х.М.Комилов, Ф.Ф.Урмановаларни эътироф этиш лозим. Шунингдек, *Amaranthus hypochondriacus* L. ўсимлиги кимёвий таркибини ўрганиш, ундан мой ажратиб олиш ҳамда мой таркибидаги биологик фаол моддаларни аниқлаш масалалари С.Д.Гусакова, А.И.Саноев, Ш.К.Худойбердиев, Ш.С.Олимжанов, С.С.Бозоровларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

Amaranthus туркуми доривор вакиллари, хусусан *Amaranthus caudatus* L., *Amaranthus paniculatus* L., *Amaranthus hypochondriacus* L. ва *Amaranthus cruentus* L. нинг кимёвий таркиби, биологик фаоллиги ва фармакологик хусусиятлари бўйича дунё миқёсида бир қатор олимлар, жумладан, Л.А.Дейнека, В.И.Дейнека, М.Жимох, Ф.Леву, Г.А.Волкова, Т.И.Ширшова, Л.Чулак, Ю.Ф.Росляков, Н.А.Шмалько, Л.К.Бочкова, И.М.Магомедов, Т.В.Чиркова, И.М.Коренская, С.Т.Минзанова, В.А.Сергеева кабиларнинг илмий изланишлари аҳамиятлидир.

Таъкидлаш жоизки, маҳаллий думли амарант (*Amaranthus caudatus* L.) ўсимлигининг уруғи ва ундан олинган мойнинг кимёвий таркиби ҳамда биологик фаол моддалари ҳозирги кунга қадар тўлиқ ўрганилмаган бўлиб, уларнинг сифат меъёрларини аниқлаш, фармакологик таъсири ва безарарлигини ўрганиш, тиббиёт амалиётида қўллашга тавсия этиш юзасидан илмий изланишлар олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг «Маҳаллий доривор ўсимликлар ва координацион бирикмалар асосида оригинал дори воситаларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига тадбиқ этиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Маҳаллий думли амарант уруғи (*Amaranthus caudatus* L.) ва мойининг кимёвий таркибини аниқлаш, стандартлашнинг янги ёндашувларини экспериментал ва назарий асослаган ҳолатда сифатини назорат қилиш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

регенератив хусусиятга эга маҳаллий думли амарант уруғидан янги дори воситалари яратиш ва стандартлашнинг мақсадга мувофиқлигини асослаш;

думли амарант уруғи ва мойи таркибидаги регенератив фаоллигини таъминловчи асосий биологик фаол моддалар гуруҳларини аниқлаш;

думли амарант уруғи ва мойи таркибидаги асосий биологик фаол моддаларни идентификация қилиш ва миқдорини аниқлаш усулларини тавсия этиш;

думли амарант уруғи ва мойининг сақлаш мумкин бўлган муддатини экспериментал асослаш;

думли амарант уруғи ва мойини стандартлаш учун зарур бўлган чинлик ва сифат кўрсаткичларининг ишончли мезонларини ишлаб чиқиш;

тадқиқот натижаларини умумлаштириш ва улар асосида тавсия этилаётган думли амарант уруғи ва мойи учун меъёрий хужжатлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон шароитида етиштирилган думли амарант (*Amaranthus caudatus* L.) ўсимлиги уруғи ва унинг мойи олинган.

Тадқиқотнинг предмети думли амарант ўсимлиги уруғи ва мойининг чинлиги ҳамда сифат кўрсаткичларини аниқлаш, уларни стандартлаш, тиббиёт амалиётига тадбиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари, жумладан, юпка катламли хроматография (ЮКХ), юқори самарали суюқлик хроматографияси (ЮССХ), газ хроматографияси (ГХ), газ хроматографли масс-спектроскопия (ГХ-МС), юқори самарали суюқлик хроматографли масс-спектроскопия (ЮССХ-МС), индуктив боғланган плазмали масс-спектроскопия, клиникагача бўлган изланишларда қўлланиладиган усуллар ҳамда анъанавий фармакогностик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор маҳаллий думли амарант уруғи ва мойи таркибидаги асосий биологик моддалар ва уларнинг миқдори аниқланган;

илк бор «Думли амарант уруғи» хомашёси ва «Амарант мойи» дори воситасининг стандартлаш усуллари ишлаб чиқилган, чинлиги ва сифатига оид мезонлар аниқланган;

думли амарант мойи кўринишидаги дори воситасининг сифат кўрсаткичлари меъёрий хужжатлар талабларига мослиги исботланган;

думли амарант уруғи ва мойининг мўътадил сақлаш муддати ва шароитлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

думли амарант мойининг терини қайта тикловчи фаоллиги ва безарарлиги исботланган;

думли амарант уруғи хомашёсининг сифатини назорат қилиш учун меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилган;

амарант мойнинг терини қайта тикловчи фармакологик фаоллиги ва безарарлиги аниқланган, мазкур дори воситасига меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги замонавий физик-кимёвий таҳлил усулларида фойдаланилганлиги, шунингдек, уларни саноат-тажриба шароитдаги синови билан белгиланади. Тадқиқот натижаларини статистик ишлашда Вилкоксон-Манн-Уитнинг U-мезони ва Стюдентнинг t-мезонларидан фойдаланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти думли амарант уруғи ва унинг асосида олинган мойнинг кимёвий таркиби аниқланганлиги ҳамда ўсимлик хомашёси – тайёр дори воситаси сифатини баҳолаш усуллари унификациясини таъминловчи «туташ» стандартлаш усули ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «Ўзкимёфарм» АЖ билан ҳамкорликда «Думли амарант уруғи» хомашёси ва унинг асосида олинган «Амарант мойи» дори воситаси учун корхона фармакопея мақолалари ишлаб чиқилганлиги ҳамда меъёрий хужжатлар тиббиёт амалиётига тадбиқ этиш учун ЎзР ССВ хузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш» Давлат маркази ДУКга топширилганлиги билан изоҳланади. Уларнинг тасдиқланиши терини қайта тикловчи маҳаллий дори воситалар ассортиментини кенгайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий думли амарант уруғи ва ундан олинган мойни стандартлаш бўйича олинган натижалар асосида:

«Думли амарант уруғи» доривор ўсимлик хомашёси учун корхона фармакопея мақоласи ЎзР ССВ хузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш» Давлат маркази ДУКга рўйхатдан ўтказиш учун топширилган («Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш» Давлат маркази ДУКнинг 2022 йил 4 апрелдаги №29/01-145 сонли хати, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати). Ушбу меъёрий хужжатнинг тасдиқланиши тавсия этилаётган хомашё асосида регенератив хусусиятга эга бўлган дори воситаси ишлаб чиқариш имконини беради;

«Амарант мойи» дори воситаси учун корхона фармакопея мақоласи ЎзР ССВ хузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш» Давлат маркази ДУКга рўйхатдан ўтказиш учун топширилган («Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш» Давлат маркази ДУКнинг 2022 йил 4

апрелдаги №29/01-145 сонли хати, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати). Натижада ушбу меъерий хужжатнинг тасдиқланиши регенератив хусусиятга эга бўлган маҳаллий дори воситалар ассортиментини кенгайтириш имконини беради;

Ўтказилган клиник олди синовлар натижасида «Амарант мойи» дори воситасининг специфик фармакологик фаоллиги ва безарарлиги исботланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати). Натижада ишончли терини қайта тикловчи безарар дори воситасини ишлаб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 та Республика ва 1 та хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 102 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Амарант турлари – биологик фаол моддалар манбаи. Ўсимлик мойларининг замонавий таҳлил усуллари**» деб номланган бўлиб, амарант ўсимлигининг ботаник тавсифи ва биологик хусусиятлари, кимёвий таркиби, унинг асосида олинган мойнинг фитокимёвий таркиби ва олиниш усуллари, амарант мойининг тиббиёт ва халқ табobatiда қўлланилиши батафсил таҳлили, бугунги кунда ўсимлик мойларининг физик-кимёвий таҳлили бўйича олиб борилган замонавий тадқиқот усуллари тўлиқ ўрганиб чиқилган. Шунингдек, регенератив хусусиятга эга дори воситалар тавсифи берилиб, амарант ўсимлиги асосида олинган дори воситаларининг хусусиятлари батафсил ёритилган.

Диссертациянинг «**Думли амарант уруғи ва мойининг кимёвий таркибини ўрганиш**» деб номланган иккинчи бобида амарант уруғи ва ундан олинган мой таркибидаги биологик фаол моддалар, жумладан

углеводлар, аминокислоталар, липидлар: нейтрал липидлар, фосфолипидлар, гликолипидлар, витаминлар, минераллар таркибини аниқлашга оид тадқиқотлар амалга оширилган ва тадқиқот натижалари келтирилган.

Тадқиқот ишида Ўзбекистон, Хитой ҳамда Россия хуудларида ўстирилган, 2019 йилда йиғиб олинган думли амарант уруғлари таркибидаги биологик фаол моддалар солиштирилган. Думли амарант уруғлари кимёвий таркибини (оксил, липид, моно ва дисахаридлар, крахмал, клетчатка) аниқлаш учун маълум усуллардан фойдаланилган. Хусусан, амарант уруғи таркибидаги оксил миқдорини аниқлаш Кельдал, крахмал поляриметрия (Эверс усули), клетчатка Е.П. Широков усулида, моно- ва дисахаридлар цианидометрия, липидлар экстракция, сквален миқдори эса газ хроматографияси усулида аниқланган (1-жадвал).


1-жадвал

Думли амарант уруғларининг кимёвий таркиби


Биологик фаол моддалар номи	БФМ миқдори, % куруқ модда массасига нисбатан		
	Хитой	Россия	Ўзбекистон
Оксил	16,5-17,2	17,0-19,0	18,0-20,0
Липидлар	6,3-6,7	6,3-6,7	8,0-9,0
Крахмал	59,4-64,1	59,2-63,5	60,5-64,3
Клетчатка	6,1-7,9	6,2-8,3	6,8-8,7
Моно- ва дисахаридлар	2,1-4,5	2,3-4,9	2,5-3,5
Сквален	6,2	6,0	7,75

Натижаларга кўра, Ўзбекистон хуудидида ўсадиган думли амарант уруғи таркибидаги липидлар, шунингдек оксиллар миқдори бошқа хуудларда етиштирилган хомашёга қараганда юқорилиги яққол намоён бўлган. Полисахаридлар миқдори барча уруғларда бошқа БФМларга нисбатан энг юқори кўрсаткичда сақланишини кўрсатган бўлса, моно- ва дисахаридлар миқдори барча хуудларда ўстирилган уруғ таркибида деярли бир хил эканлигини кўрсатган.

Амарант уруғидаги аминокислоталар таркибини ўрганиши. Таҳлил ЮССХ усулида олиб борилиб, тадқиқот 75x4.6 mm Discovery HS C18 колонкали Agilent Technologies 1200 хроматографида амалга оширилган. Хроматография натижалари 1- ва 2-расмларда келтирилган.



1-расм. Аминокислоталар ишчи стандарт намуналарининг хроматограммаси



2-расм. Амарант уруғидаги аминокислоталар хроматограммаси

Натижаларга кўра, амарант уруғи таркибида алмашинмайдиган аминокислоталарнинг умумий миқдори 35,75% ни ташкил этган ҳамда

улардан энг кўп миқдорда лизин аминокислотаси мавжудлиги аниқланган. Шунингдек, уруғ таркибида моноаминомонокарбонкислоталар миқдори умумий аминокислоталар миқдорига нисбатан 60% дан юкори бўлиб, ушбу миқдорнинг деярли 50% ини цистеин аминокислотаси ташкил этиши аниқланган. Цистеин захарли моддаларни зарарсизлантиришга ёрдам беради ва танани радиациянинг зарарли таъсиридан химоя қилади.

Уруғнинг липид таҳлили. Липидлар таҳлили қуришиб майдаланган уруғларни экстракцион бензин (қайнаш ҳарорати 72-80°C) ёрдамида Сокслет аппаратида нейтрал липидлар (НЛ, мой) ажратиб олинган. Мой калий ишқорининг 10%ли метанолдаги эритмаси билан гидролизланиб, совунланмайдиган моддалар ажратиб олинган.

Уруғ қолдиғидан НЛ ажратиб олингандан сўнг ҳавода қурилди ва Фолча усулида хлороформ-метанол (2:1) аралашмаси билан қолдиқ НЛ, гликолипидлар (ГЛ) ва фосфолипидлар (ФЛ)дан иборат поляр липидлар концентрати ажратиб олинган. Поляр липидлар 0,04%ли CaCl₂ сувли эритмаси билан липид бўлмаган моддалардан тозалаш мақсадида ювилган. Поляр липидлар колонкали хроматография (КХ) усули билан силикагелда алоҳида липидлар фракцияларига ажратилган, бунда НЛ - хлороформда, ГЛ – ацетонда, ФЛ-метанолда элюирланган. Гравиметрия усулида липид гуруҳларининг миқдорини аниқланган.

НЛ, ГЛ ва ФЛ ёғ кислоталарининг таркибини аниқлаш учун аниқланувчи намуналар ишқорнинг спиртдаги эритмаси билан гидролизланди ва ажралган ёғ кислоталари янги тайёрланган диазометан билан метилланди. Ёғ кислоталари метил эфирлари таҳлили ГХ усули: Agilent 6890 N ускунаси, аланга ионизацион детектор, HP-5 30мх0.32мм ўлчамли капиляр колонка, ташувчи газ-гелий, дастурлаш ҳарорати 150-270 °C амалга оширилди. Олинган натижалар 2- жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Амарант уруғи таркибидаги НЛ, ГЛ ва ФЛларнинг ёғ кислота таркиби, %, ГХ, кислота массасига нисбатан

Ёғ кислота	НЛ	ГЛ	ФЛ
Лаурин, 12:0	Из **.	0,67	Из **.
Миристин, 14:0	0,12	0,89	0,15
Пентадекан, 15:0	-	0,50	-
Пальмитин, 16:0	11,74	38,33	16,95
Пальмитолеин, 16:1	0,13	-	-
Маргарин, 17:0	-	0,41	-
Стеарин, 18:0	2,42	5,74	2,04
<i>омега-9</i> Олеин, 18:1 + <i>омега-3</i> Линолен, 18:3*	26,16	41,48	47,72
<i>омега-6</i> Линол, 18:2	58,08	8,39	31,96
Арахин, 20:0	0,71	0,60	0,37
<i>омега-11</i> Эйкозен, 20:1	0,40	0,54	0,21
Беген, 22:0	0,24	1,10	0,16
Лигноцерин 24:0	-	1,35	-
∑ тўйинган ЁК	15,23	49,59	19,67
∑ тўйинмаган ЁК	84,77	50,41	80,33

.*Ушбу икки ёғ кислотаси қўлланилган ГХ усули шароитида, ажралмайди.

** Из.- кислота жуда кам миқдорда мавжуд

Тадқиқот асосида олинган натижаларга кўра, амарант уруғи таркибидаги асосий ёғ кислоталари: пальмитин, олеин ва линол бўлсада, уларнинг ўзаро миқдорий нисбати кескин фарқланган. Хусусан, нейтрал липидлар таркибининг 58,08% линол (Омега 6) кислотаси бўлса, гликолипидларда асосий кислоталар пальмитин (38,33%) ва олеин+линолен (41,48%) ни ташкил этган. Липидлар орасида фармакологик жихатдан энг аҳамиятли ҳисобланган фосфолипидлар, таркибидаги ёғ кислоталари борасида ҳам устунликка эга, таҳлил унинг деярли 80%и тўйинмаган ёғ кислоталари: Омега-3, Омега-6 ва Омега-9 дан иборат эканлигини кўрсатган.

Амарант мойи таркибидаги эркин ёғ кислоталари миқдорини аниқлаш. Амарант мойи таркибидаги ёғ кислота *Agilent Technologies 6890 N* ускунасида, узунлиги 30мм, ички диаметри 0,32 мм капилляр колонкада HP-5 фазаси билан 150 дан 270°C гача бўлган хароратда таҳлил қилинди. Газ ташувчи гелий. Олинган натижалар куйидаги 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Амарант мойининг ёғ кислота таркиби, %, ГХ, кислота массасига нисбатан

Ёғ кислота номи	Миқдори
Миристин, 14:0	0.29
Пентадекан, 15:0	0.09
Пальмитин, 16:0	22.06
Пальмитолеин, 16:1	0.23
Маргарин, 17:0	0.09
Стеарин, 18:0	4.04
*Олеин + Линолен, 18:1 + 18:3	25.08
Линол, 18:2	46.66
Арахин, 20:0	0.76
Эйкозен, 20:1	0.25
Беген, 22:0	0.27
Лигноцерин, 24:0	0.18
∑тўйинган ёк	27.78
∑тўйинмаган ёк	72.22

*Ушбу икки ёғ кислотаси қўлланилган ГХ усули шароитида, ажралмайди.

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, амарант уруғидан олинган мой таркибида асосий ёғ кислотаси бу линол кислота бўлиб, у 47% ни ташкил этади. Шунингдек, тўйинмаган ёғ кислоталардан олеин кислотаси ҳам нисбатан юқори даражада сақланади (25,08%). Тажриба, намуна таркибида тўйинган ёғ кислоталардан пальмитин кислотаси устунлик қилишини кўрсатди (22,06%). Олинган мой намунаси таркибида тўйинган ёғ кислоталари жами 27,78%, тўйинмаган ёғ кислоталари эса 72,22% ни ташкил этди.

Амарант уруғининг таркибидаги макро- ва микроэлементлар ICP-MS (масс - спектрометр индукцион - боғланган плазма) AT 7500 асбоби билан спектраль таҳлил усулида аниқланган. Тадқиқот натижасида жами 7 та макроэлемент, 54та микро ва ультрамикрэлементлар мавжудлиги

тасдиқланган. Уруғ таркибида макроэлементлардан энг кўп миқдорда К, Са, Al, Na, P, Mg ва Si элементлари сақланиши аниқланган. Микро элементлардан темир мутлоқ устунликни кўрсатган бўлсада, Mn, Zn, Rb, Ti, Cu, Sr, Ba элементлари ҳам етарли даражадаги концентрацияга эга эканлиги аниқланган. Энг кам миқдорда симоб сақланишини кўриш мумкин. Шундай қилиб, экологик хавфсиз маҳсулот маҳаллий думли амарант уруғи таркибида ёғсизлантиришдан олдин ва кейин 61 та элемент аниқланди, улардан учдан бир қисми эссенциал (ҳаётий аҳамиятга эга) элементлар ҳисобланади. Биринчи марта республикада ўстирилган думли амарант уруғи макро-, микро- ва ультрамикроэлементлар таркиби ўрганилди ва амарант уруғидаги микро ва макроэлементлар таркиби бошқа ўсимлик мойларининг таркибидан фарқ қилмаслиги билан бир қаторда фойдали минералларга бойлиги аниқланди.

Думли амарант уруғи ва мойининг витаминлар таркибини аниқлаш. Амарант уруғи ва мойи таркибидаги витаминларни сифат таҳлили LS-МС усулидан фойдаланиб аниқланган. LS-МС усулининг шароитлари: кўзгалмас фаза Shim-pack XR-ODS II 75 л x 3 мм поралар ўлчами 2,2 мкм, кўзгалмас фаза ҳарорати 40°C, кўзгалувчан фазанинг оқим тезлиги 0,25 мл/дақиқа, тўлқин узунлиги 225 нм, текширилувчи эритманинг юборилиш миқдори – 20 мкл, текширув давомийлиги 16 дақиқа. Амарант уруғи ва мойи таркибида ҳам юқоридаги тартибда витаминлар идентификацияланган (4-жадвал).

4-жадвал


Витамин таркиби

№	Витамин номи	Амарант уруғи	Амарант мойи
1.	Витамин Д₃	+	+
2.	Витамин Е	+	+
3.	Витамин В ₈	-	-
4.	Витамин В₉	+	+
5.	Витамин В ₁	+	-
6.	Витамин В ₂	+	-
7.	Витамин В ₅	+	-
8.	Витамин В₆	+	+
9.	Витамин А	-	-
10.	Витамин С	+	-
11.	Витамин К	-	-
12.	Витамин РР	-	-


Шунингдек, идентификация натижаларига кўра маҳаллий думли амарант мойи таркибида миқдори аҳамиятли даражада юқори деб тахмин қилинган витамин Д₃ ҳамда витамин Е нинг таҳлили ЮССХ олиб борилди ва миқдори қуйидаги тартибда аниқланди.

Витамин Д₃ миқдорини аниқлаш. Shimadzu LC 20AD (Shimadzu corporation, Япония) суюқлик хроматографи, SPD 20AV алмашинувчи тўлқин узунлигига эга УБ-детектор, автосамплер SIL 20A. Хроматография Shim-pack XR-ODSII 4,6мм x 15см колонкаси ёрдамида амалга оширилган. Хроматография шароитлари: стационар фаза – мономолекуляр аминопропилсилан қатлами + силикагел 3мкм (Ф.АҚШ, L8); кўзгалувчи

фаза: н-гексан:изопропил спирти (99:1); тўлқин узунлиги - 265 нм; колонка ҳарорати - 20°C; тезлик – 1 мл/дақ. Натижалар 3-4-расмларда келтирилган.




3-расм. Колекальциферол ишчи стандарт намунаси хроматограммаси




4-расм. Амарант мойи таркибидаги колекальциферол хроматограммаси

Натижалар думли амарант мойи таркибида колекальциферол миқдори $16 \pm 0,05$ МЕ эканлигини кўрсатган. Ушбу кўрсаткич унинг асосида дори воситаси яратишнинг аҳамиятини янада оширади.

Витамин Е миқдорини аниқлаш. Shimadzu LC 20AD (Shimadzu corporation, Япония) суюқлик хроматографи, SPD 20AV алмашинувчи тўлқин узунлигига эга УБ-детектор, автосамплер SIL 20A. Хроматография Shim-pack XR-ODSII 2x100 мм колонкаси ёрдамида амалга оширилган. Кўзгалувчи фаза «А»- тозаланган сув, «В» - метанол. Хроматографик шароитлар: ўтиш тезлиги - 0,25 мл/дақ; колонка ҳарорати - 40°C; тўлқин узунлиги - 254 нм; киритиш ҳажми-10 мкл. Натижалар 5-6-расмларда келтирилган.



5-расм. α-токоферол ишчи стандарт намунаси хроматограммаси



6-расм. Амарант мойи таркибидаги α-токоферол хроматограммаси

Таҳлил натижалари думли амарант мойи таркибида витамин Е миқдори $1 \pm 0,05\%$ эканлигини, бу эса витамин Е миқдори жиҳатдан бошқа доривор ўсимлик мойларига нисбатан анча юқори эканлигини кўрсатган.

Сквален миқдорини аниқлаш. ГХ-Масс спектрометрияси усули ёрдамида думли амарант уруғи ва мойи таркибидаги сквален миқдори аниқланган. ГХ-МС таҳлили учун TRACE 1310 TSQ 8000 (ThermoFisherScientific, США) ускунаси ишлатилган. Капилляр колонка HP

5MS (30 мм х 250 мкм × 0,25 мкм) ГХ-МС куйидаги шароитлар қўлланилган: инжектор ҳарорати 180° С; гелий газ ташувчиси, ўтиш тезлиги 1,5 мл / дак; дастлабки 1 дақиқа давомида термостат ҳарорати 100°С, 10 дақиқа давомида аста-секин 180° С гача кўтарилган. Сўнгра 6 дақиқа 230°С да ушлаб турилган. Умумий таҳлил учун кетган вақт 22,33 дақиқа, ионизация 70 eV электрон кучланишда олиб борилган. Хроматография регистрацияси эритувчилар сигналидан фориғ бўлиш мақсадида стартдан 3 дақиқа ўтгандан сўнг қайд қилинди. Хроматография m/z 50-1500 оралиғида амалга оширилиб, жараёни X Calibur дастури ёрдамида бошқариб борилган. Натижалар 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Амарант уруғи ва мойи таркибидаги сквален миқдори

№	Думли амарант уруғи таркибидаги сквален миқдори, % (уруғ массасига нисбатан)	Совуқ пресслаш усулида олинган Амарант мойи таркибидаги сквален миқдори, % (мой массасига нисбатан)	Сквален амарант мойига ўтиш унуми, %
1	0,645	6,25	78
2	0,65	6,35	78,2
3	0,63	6,3	80
4	0,62	6,18	79,7
5	0,635	6,25	78,7

Сквален миқдори амарант уруғи таркибида 0,64±1% ни ташкил этган бўлса, совуқ пресслаш усулида олинган амарант мойида эса 6,2±1% да эканлиги аниқланган. Скваленнинг амарант уруғидан мойга ўтиш унуми деярли 80 % ни ташкил этган.


Диссертациянинг учинчи боби «Думли амарант уруғини стандартлаш» деб номланган бўлиб, унда думли амарант уруғининг чинлиги ҳамда сифатини меъёрлаштирувчи сон кўрсаткичлари замонавий таҳлил усулларида фойдаланган ҳолда амалга оширилган, шунингдек натижалар келтирилган.

Уруғнинг чинлиги унинг ташқи ва анатомик – диагностик белгиларини ўрганиш, асосий таъсир этувчи моддаларига сифат реакция ўтказиш билан аниқланган. МБС–9 лупали микроскоп ёрдамида тадқиқотлар олиб борилди.


Amaranthus caudatus L. ўсимлигининг уруғлари ясимқсимон, четки қисми эса ингичка ёки кенг тасмасимон бўлиб, жигарранг-қора, ялтирок, катталаштириб кўрилганда бироз концентрик ва тўрсимон, чизиқли, сайқалланган, майда, узунлиги 1,1-1,3 мм гача, қалинлиги тахминан 0,4-0,6 мм бўлади (7–расм).

Уруғларнинг бўйлама ва кўндаланг кесикларини анатомик жиҳатдан таҳлил қилинганда уруғдаги озик модда тўпловчи перисперм йирик, юпка деворли изодиаметрик хужайралардан иборат бўлиб, мазкур

хужайраларининг узунлиги – 70 мкм, кенглиги – 60 мкм ни ташкил этади (8-9-расмлар).




7-расм. *Amaranthus caudatus* L. ўсимлик уруғининг морфологик тузилиши: а-б – уруғ умумий кўриниши. Шартли белгилар: УЧ – уруғнинг четки қисми (муртақнинг жойлашган қисми), У – уруғ.



8-расм. *Amaranthus caudatus* L. уруғларининг кўндаланг кесикдаги анатомик тузилиши: а – уруғларнинг умумий кўриниши; б – кўндаланг кесикдаги уруғ ичида перисперм; в – уруғ қобиғи ва перисперм; г – уруғ қобиғидаги интегументнинг ташқи ва ички эпидермаси.

Шартли белгилар: ИИ – ички интегумент, ТИИЭ – ташқи интегумент ички эпидермаси, МИ – муртақ илдизи, ТЭТИ – ташқи интегументнинг ташқи эпидермаси, Пс – перисперм, У – уруғ, УБ – уруғпаллабарг, УҚ – уруғ қобиғи.



9-расм. *Amaranthus caudatus* L. ўсимлиги уруғининг бўйлама кесикдаги анатомик тузилиши: а – уруғнинг умумий тузилиши; б – уруғдаги муртақ. Шартли белгилар: Гк – гипокотиль, М – муртақ, МИ – муртақ илдизи, Пс – перисперм, УБ – уруғпаллабарг, Энд – эндосперм.

Уруғ таркибидаги асосий биологик фаол гуруҳлар. Думли амарант уруғининг асосий биологик фаол гуруҳларини аниқлаш мақсадида гистокимёвий тахлили олиб борилди, олинган натижалар 10-расмда берилган.

Уруғ муртаги ва эндоспермда оксил, липид ва минераллар, уруғ перисперм қисмида эса крахмал сақлаши аниқланди. Аниқланган структуравий ва диагностик белгилар ушбу тур хомашёсини ҳақиқийлигини аниқлаш имконини беради.



10-расм. Уруғ кўндаланг кесимида сифат реакциялар натижалари

Думли амарант уруғлари таркибидаги ўзига хос биологик фаол модда сквален эканлигини инобатга олиб, уни стандартлаш жараёнида чинлиги ва сифатини белгиловчи асосий мезон сифатида қабул қилинган.


Уруғнинг намлиги, умумий ва 10%ли хлорид кислотада эримайдиган кули, майдалик даражаси, аралашмалар таркиби (органик, минерал, ўсимликнинг бошқа қисмлари), микробиологик тозаллиги, таркибидаги радионуклидлар, қолдиқ пестицидлар миқдори каби кўрсаткичларини аниқлаш ЎЗР ДФ талаблари бўйича амалга оширилган. Тадқиқот натижалари уруғнинг экологик тозаллиги ва кўллашда хавфсизлиги тўғрисида хулоса чиқаришга имкон берган. Олинган натижалар асосида «Думли амарант уруғлари» хомашёсининг сифатини меъёрлаштирувчи сон кўрсаткичларнинг мезонлари белгиланган (6-жадвал).

6-жадвал


Амарант уруғи сон кўрсаткичлари

Кўрсаткич номи	Хомашё учун меъёрлар	
	бутун маҳсулот	майдаланган маҳсулот
Мой, % дан кам эмас	8,0	
Қуритилганда масса йўқотиш, % дан ошмаслиги керак	12, 0	
Умумий кул, % дан ошмаслиги керак	6,0	
10%ли хлорид кислотада эримайдиган кул, % дан ошмаслиги керак	0,5	
Маҳсулотнинг бошқа қисмлари (маҳсулотнинг ер устки қисмлари, пуч уруғлар), % дан ошмаслиги керак	4,0	
Маҳсулотнинг 2 мм ли элақдан ўтадиган қисми, %	≤16,0	91,0
Органик аралашмалар, % дан ошмаслиги керак	2,0	
Минерал аралашмалар, % дан ошмаслиги керак	0,5	
Таъсир этувчи модда, сквален миқдори, % дан кам бўлмаслиги керак	0,6	

Думли амарант уруғи таркибидаги сквален миқдори аниқлаш 2-бобда келтирилган тартибда ГХ-МС усулида олиб борилди. Таҳлил учун сквален стандартидан фойдаланилди (Sigma-Aldrich, PRD.1.ZQ5.10000034980). Натижалар 11- ва 12-расмларда берилган.



11-расм. Стандарт сквален хроматограммаси



12-расм. Текширилувчи намуна хроматограммаси

Амарант уруғилари бешта партияди ишлаб чиқарилиб, ҳар бирининг таркибидаги скваленнинг миқдори аниқланди, бунда скваленнинг ўртача миқдори 0,64%ни ташкил этди.

Уруғ табиий шароитда сақлаш жараёнидаги турғунлигини ўрганиш, унинг ташки белгилари ва сон кўрсаткичлари 3 йил давомида деярли ўзгармаганлигини кўрсатган. Шунинг учун мазкур хомашёни тайёрлашдан бошлаб 2 йил давомида қўллаш тавсия этилган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида регенератив дори воситаси яратиш учун тавсия этилган «Думли амарант уруғлари» хомашёсининг сифат кўрсаткичларига қўйиладиган талаблар даражасини асослаш учун керакли маълумотлар олинган.

Диссертациянинг тўртинчи «Думли амарант мойини стандартлаш» боби «Думли амарант уруғлари» хомашёсидан совуқ пресслаш усулида ажратиб олинган амарант мойини стандартлаш билан боғлиқ амалий масалаларнинг ечими тақдим этилган.

Клиник олди текширувларда амарант мойи организмга ноҳўя таъсир кўрсатмаган ҳамда токсик бўлмаган ҳолда регенератив таъсирга эга эканлиги аниқланган. Хусусан, таъсири жиҳатидан ўсимлик асосида олинган «Облепиховое масло» (ООО ДКП Фармацевтическая фабрика, Украина) дори воситасидан қолишмаслиги ва баъзи ҳолларда ҳатто ундан ҳам ортиқлиги аниқланган.

Амарант мойини стандартлаш, худди уруғни стандартлаш каби сквален бўйича олиб борилган, яъни хомашё – тайёр ўсимлик дори воситаси қаторидаги кўрсатмалар, меъёрлар ва сифатни баҳолаш усуллари унификациясини таъминловчи ягона «туташ» стандартлаш усулидан фойдаланилган. Шунингдек, амарант мойининг сифат кўрсаткичлари фармакопея талабларига мос келиши кўрсатилган (7-жадвал).

**«Амарант мойи» дори воситасининг
спецификацияси**

Кўрсаткичлар	МХ талаблари	Тавсифи	МХга мувофиқлиги
Тасвирланиши	Тиник-шаффоф, енгил ёнғоқ хидли ва таъмли, оч сариқ мойсимон суюклик.	Тиник-шаффоф, енгил ёнғоқ хидли ва таъмли, оч сариқ мойсимон суюклик.	Мувофиқ
Эрувчанлиги	96% ли этанолда деярли эрмайди, петролей эфири билан аралашади	96% ли этанолда деярли эрмайди, петролей эфири билан аралашди	Мувофиқ
Чинлиги (Сквален моддасига нисбатан)	ЮҚХ усулида аниқланади	ЮҚХ усулида аниқланади	Мувофиқ
Нисбий зичлиги	0,88 – 0,90 г/мл	0,8872г/мл	Мувофиқ
Кислота сони	7,0 дан ошмаслиги керак	3,06	Мувофиқ
Оксидланиш сони	17,0 дан кўп бўлмаслиги керак	1,27	Мувофиқ
Йод сони	140 дан кам бўлмаслиги керак	185,73	Мувофиқ
Совунланиш сони	105,0-100,0 оралиғида	102,03	Мувофиқ
Нур синдириш кўрсаткичи	1,46-1,47 оралиғида	1,4645	Мувофиқ
Совунланмайдиган моддалар, %	8% дан ошмаслиги керак	7,34	Мувофиқ
Парафин, мум, смола ва минерал мойлар	Олинган эритма тиник бўлиши лозим	Олинган эритма тиник	Мувофиқ
Альдегидлар	Пушти ёки кизил ранг қайд этилмаслиги лозим	Пушти ёки кизил ранг қайд этилмади	Мувофиқ
Сув	Сув миқдори 0,3 %дан ошмаслиги лозим	0,1%	Мувофиқ
Оксил	Чўкма ҳосил бўлмаслиги керак	Чўкма ҳосил бўлмади	Мувофиқ
Фосфор сақловчи моддалар	0,5% дан ошмаслиги керак	0,3%	Мувофиқ
Цианидлар, синил кислота	Ҳаворанг ёки кўк ранг ҳосил бўлмаслиги керак	Ҳаворанг ёки кўк ранг ҳосил бўлмади	Мувофиқ
Оғир металлар	0,001% дан ошмаслиги керак	0,001% дан ошмади	Мувофиқ
Микробиологик тозаллиги: Аэроб бактериялар	10 ⁴ дан кўп бўлмаслиги керак	10 ³ КОЕ	Мувофиқ
Ачитки ва моғор замбуруғлари	2·10 ² дан кўп бўлмаслиги керак	20 КОЕ	Мувофиқ
Сквален миқдори, мой массасига нисбатан	5,5 % дан кам бўлмаслиги керак	6,26 %	Мувофиқ

Амарант мойи табиий шароитда сақлаш жараёнидаги турғунлигини ўрганиш, унинг ташқи белгилари ва сонли кўрсаткичлари 30 ой давомида деярли ўзгармаганлигини кўрсатган. Шунинг учун, мазкур дори воситасини тайёрлашдан бошлаб 2 йил давомида қўллаш ҳамда «Амарант мойи» сиртга қўллаш учун 50,0 мл ли қўнғир идишларда ишлаб чиқаришга тавсия этилган.

Олинган маълумотларга асосланиб, «Ўзкимёфарм» АЖ билан биргаликда «Амарант мойи» дори воситаси бўйича корхона фармакопея мақоласи (КФМ) лойиҳаси ишлаб чиқилган ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУК га тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат олиш учун тақдим этилган. Тавсия этилаётган дори воситасини саноат миқёсида ишлаб чиқариш учун «Ўзкимёфарм» АЖнинг розилиги олинган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида, тиббиёт амалиёти учун регенератив таъсирга эга «Амарант мойи» дори воситаси тавсия этилган. Ушбу ўсимлик воситасини ишлаб чиқариш импорт ўрнини босиш ва маҳаллий хомашёдан фойдаланиш ҳисобига Республиканинг экспорт салоҳиятини кенгайтиради, шунингдек, аҳолини самарали ва арзон дори воситалари билан таъминлаш масалаларни ҳал қилади.

ХУЛОСАЛАР

1. Илк бор маҳаллий флоранинг янги истикболли доривор ўсимлиги хомашёси – думли амарант уруғи чуқур фармакогностик таҳлил қилинди, шунингдек, унинг асосида регенератив хусусиятга эга дори воситасини яратиш ва стандартлашнинг мақсадга мувофиқлиги илмий асосланди.

2. Думли амарант уруғи ва мойи таркибидаги асосий биологик фаол моддалар идентификация қилинди, жумладан углеводлар, аминокислоталар, липидлар (нейтрал липидлар, фосфолипидлар, гликолипидлар), витаминлар, минерал моддалар ва сквален миқдори самарали замонавий таҳлил усуллари, хусусан ГХ, ГХ-МС, ЮССХ, ЮССХ-МС, ІСР-МС ёрдамида исботланди.

3. Думли амарант уруғи ва мойини стандартлаш учун зарур бўлган чинлик ва сифат кўрсаткичларининг ишончли мезонлари тавсия этилди. Стандартлашда чинлиги ва миқдори сквален асосида олиб борилди ҳамда меъёрий хужжатларда унинг миқдори уруғда 0,6%, мойда 5,5% этиб белгиланди.

4. Олиб борилган экспериментал таҳлиллар натижаларига кўра, думли амарант уруғи ва мойининг сақлаш муддати табиий шароитда 2 йил эканлиги исботланди.

5. «Думли амарант уруғи» хомашёси ва «Амарант мойи» дори воситаси учун корхона фармакопея мақоласи лойиҳаси ишлаб чиқилди ва тиббиёт амалиётида рухсат этилиши учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУКга тақдим этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.FAR.32.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

АХМАДОВА ГУЛРАЪНО АЗИМ КИЗИ

**СТАНДАРТИЗАЦИЯ СЕМЯН МЕСТНОГО АМАРАНТА
ХВОСТАТОГО И ЕГО МАСЛА**

15.00.02 – фармацевтическая химия и фармакогнозия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.2.PhD/Far67.

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.pharmi.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net/uz)

Научный руководитель: Азизов Исмагжон Катимович
доктор фармацевтических наук, профессор

Официальные оппоненты: Урманова Флюра Фаридовна
доктор фармацевтических наук, профессор

Нишанбаев Сабир Заирпбаевич
доктор химических наук, ведущий научный сотрудник

Ведущая организация: Узбекский научно-исследовательский химико-фармацевтический институт имени А.Султанова

Защита диссертации состоится « 08 » 02 2023 года в 13⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.FAR.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте (адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38. Факс: (+99871) 256-45-04. e-mail: pharmi@pharmi.uz

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер 42). Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Автореферат диссертации разослан « 23 » января 2023 года.
(Регистр протокола рассылки № 42 от « 23 » января 2023 г.)



К.С.Ризаев
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.м.н.

Ё.С.Кариева
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.ф.н.,
профессор

Ф.Ф.Урманова
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых
степеней, д.ф.н., профессор

Урманова

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Согласно данным Всемирной организации здравоохранения, ежегодно более 100 миллионов человек страдают от повреждений кожи в результате различных ранений и ожогов. В связи с этим важно расширение ассортимента регенеративных лекарственных средств, разработка современных методов их анализа, проведение исследований для доказательства их эффективности на основе результатов фармакотерапевтических исследований.

В настоящее время большое внимание уделяется научным исследованиям по фитохимическому, фармакогностическому анализу, доказательству фармакологических свойств широко используемых в народной медицине по всему миру лекарственных растений для внедрения их в современную медицинскую практику. В связи с этим особое внимание уделяется изучению сырья местных лекарственных растений, способных оказывать регенерирующее действие на кожу, поврежденную порезами и ожогами II-III степени, контролю их качества, созданию лекарственных средств на их основе, а также разработке нормативных документов для использования в официальной медицинской практике.

В рамках проводимых в нашей республике реформ в области фармацевтики достигаются определенные результаты в части изучения состава местных лекарственных растений, их стандартизации современными физико-химическими методами, получения масла и масляных экстрактов, разработки лекарственных препаратов на их основе. В пункте 85 Приложения 2 стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы указаны такие неотложные задачи, как «увеличение объема производства продукции фармацевтической промышленности в три раза и доведение уровня обеспечения внутреннего рынка отечественными лекарственными средствами до 80 процентов». В связи с этим важно создание плантаций по культивированию и выращиванию лекарственных растений, произрастающих в Узбекистане, расширение ассортимента препаратов местных предприятий на основе растительного сырья, проведение научных исследований по разработке надежных и современных методов анализов для обеспечения качества лекарственных средств.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Постановлениями Президента Республики Узбекистан № УП-55 от 21 января 2022 г. «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли республики в 2022-2026 годах», № ПП-4310 от 6 мая 2019 г. «О мерах по дальнейшему развитию медицинского и фармацевтического образования и науки», № ПП-4554 от 30 декабря 2019 г. «О дополнительных мерах по углублению реформ в фармацевтической отрасли Республики Узбекистан», № ПП-4670 от 10 апреля 2020 г. «О мерах по охране, культурному выращиванию, переработке дикорастущих лекарственных растений и рациональному использованию

имеющихся ресурсов», а также в другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. В нашей республике следует отметить научные исследования по извлечению масла из растения Амарант и изучению его химического состава отечественных ученых Х.Холматова, Х.М.Комилова, Ф.Ф.Урмановой. Также изучение химического состава растения *Amaranthus hypochondriacus* L., выделение из него масла и определение биологически активных веществ в масле нашло отражение в научных исследованиях С.Д.Гусакова, А.И.Саноева, Ш.К.Худойбердиева, Ш.С.Олимжанова, С.С.Бозорова.

